

ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ

Толибжонов Жовохир Илхомжон ўғли

ЎзДЖТУ 3- босқич талабаси

Ачилова Зулхумор Пулатовна

Илмий рахбар испан тили катта ўқитувчиси

Ушбу мақолада чет тилларини ўқитишда электрон таълим технологияларидан фойдаланишнинг ахамияти ҳақида фикр юритилади. Ўқув жараёнида бир вақтнинг ўзида педагог ва компьютернинг иштироки таълим сифатини анча ошириши ва таклиф қилинган методикадан фойдаланиш дарс бериш жараёнини фаоллаштириши, талабаларнинг ўқитилаётган фанга қизиқишларини орттириши ва ўқув материални чуқур ўзлаштиришларига имкон бериши ҳеч кимга сир эмас.

Электрон таълим технологиялари ўқитувчини машаққатли муаммолардан озод қилиш билан бирга, уни ахборот беришдан ўқувчилар билан бирга ижодий мунозара қилиш, биргаликда тадқиқот қилиш, ўқитишнинг янги шакллари, бир сўз билан айтганда кўпроқ ижодий ишга ўтишга имкон беради. Электрон таълим технологиялари бизни қуйидагилар билан таъминлайди:

- 1) Интерфаоллик, 2) мультимедиа 3) моделинг 4) коммуникативлик 5) унумдорлик

Компьютер ва педагог ҳамкорлиги бир томондан турли тоифадаги талабаларга ўқув материални яхшироқ тушуниб олишларига ёрдам беради. Бошқа томондан у ўқитувчи малакаси ва тайёргарлик даражасига анча юқори талаблар қўяди. Энди у нафақат анъанавий ўқитиш усуллари эгаллаши, балки ўрганувчиларнинг хусусиятига қараб, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб уларни модернизация қила олиши лозим бўлади.

Интернет тармоғида ўқитиш: Интернет ҳозирги кунда ахборот технологиялари тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ундаги асосий бўғин бу ўзаро бир-бири билан боғланган компьютерлар. Компьютерлар алоқа воситаларидан фарқли ўлароқ, фойдаланувчига маълумотни кўриш, ўқиш ва эшитиш асосида маълумотдан унумли фойдаланишга имкон яратади. Бундан ташқари унда маълумотни узатиш, қабул қилиш тезлиги ўта юқори бўлади. Ўқув жараёнида Internet тармоғидан фойдаланиш имкони бўлган шахсий компьютерларнинг жорий қилиниши, бу чет тилларини ўқитиш методикасини янада жадаллаштирмоқда.

Шу ўринда **турли сатҳли ўқитиш:** Тушунча ва қўллаш методикаси ҳақида ҳам гапириб ўтамиз. Шахсга йўналтирилган технологиялар ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишга, яъни ҳар бир ўқувчининг муайян билимлари, малака ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда, ўқув фаолиятни рағбатлантириш, ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш мезонларига мўлжалланган. Турли даражада ўқитиш ҳар бир ўқувчига потенциал қобилиятларини ривожлантириш имкониятини яратиш учун зарурдир. Электрон таълим технологиялари ички ва ташқи дифференциация тушунчаларга ажратилади.

Ички дифференциация: бу ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятлари синфда ўқув фаолиятини ташкил этиш шароитларида ҳисобга олинган ўқув жараёни ташкил этади. Синфда ихтиёрий белгилар бўйича, кўп ҳолларда ўқимишлилик даражаси бўйича, яъни ўқув материални осон ва тез ўзлаштиришга кўра ўқувчилар гуруҳи тузилади.

Ташқи дифференциация: билиш даражаси турлича бўлган ўқувчиларнинг қобилиятларини (ёки қобилиятсизларини) ҳисобга олган ҳолда, лойиҳалаштириладиган касб, кизиқишлар бўйича ўқув гуруҳларга махсус бирлаштириладиган электрон таълим технологиялари танлаб олинади. Бунга фанларни чуқур ўқитиш гуруҳлари, ўқитишнинг ўрнини босадиган профилли, факультатив машғулотлар кирди.

Юқоридаги фикрларга қўшимча қилиб яна шуни айтиш лозим, педагогнинг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантиришга қаратилиши лозим. Педагогик инновацияда “янги” тушунчаси марказий ҳисобланиб, педагогик фанда - хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка кизиқиш уйғотади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин ўқитиш жараёнини электрон таълим технологиялари билан янада бойитиш ва “интернет”лаштиришга асосланган, замонавийлаштириш дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун, на фақат ўқув масканлари замонавий техника воситалари билан таъминланмоғи, балки таълим тизимининг ташкилотчилари ва педагоглари ҳам бу соҳада етарли билимга эга бўлишлари лозим. Шу ўринда яна айтиб ўтиш керак бугунги кунда электрон таълим технологиялари ёрдамида чет тилларини ўқитиш ўқув жараёнга фаол киритилмоқда ва ўз натижасини бериб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Р.И.Холмуродов, М.Ҳ, Лутфуллаев. «Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш», Т.,ЎзРФА «Фан», 2003.
4. Ачилова З. П. Синхрон таржима жараёнида мураккаб морфологик ҳодисалар ва синтактик конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари //образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – т. 31. – №. 2. – с. 23-28.
5. Ачилова З. П. Таржимашунослик назарияси мутахассислиги фанларига бағишланган замонавий дарсликлар яратишнинг ахамияти //journal of innovations in scientific and educational research. – 2023. – т. 6. – №. 2. – с. 316-318.
6. Ачилова З. Словообразовательные и грамматические трудности при переводе испанского текста на русский //Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 6 Part 6. – С. 220-224.
7. Ачилова З. П. Применения метода корректирующей компенсации при переводе политических выступлений //journal of innovations in scientific and educational research. – 2023. – т. 6. – №. 2. – с. 319-322.